

## Олий Таълимда Инновацион-Педагогик Фаолиятнинг Ижтимоий-Психологик Хусусиятлари

<sup>1</sup>Мухтаров Фаррух Мухаммединич, <sup>2</sup>Қодиров Ҳасанбой Орибжонович

<sup>1,2</sup>ТАТУ Фарғона филиали профессор уқитувчилари

<sup>3</sup>Нурмуҳаммадов Маъруфжон Нажимидин ўғли

<sup>3</sup>ТАТУ Фарғона филиали талабаси

**Resume:** Бугунги кунга келиб таълим воситаларининг ривожланиши ижтимоий механизим инноавцияси ёрдамида юқори таъсирга эга ташкилотлар бошқарув модели ишлаб чиқилмоқда.

**Key words:** Инновацион мұхит, Инновацион ҳаёт, олий таълим, инновацион фаолият субекти, инновацион ҳаёт тарзи, инновааціон олий таълим тизими, педагогик тизим

Annotation: For today models of control of the effective organization by means of social mechanisms of innovative development of a tutorial are developed

Key words: innovative environment innovative life high education person of innovative activity innovative life way innovative high education system pedagogical system

Олий таълим ижтимоий-психологик мұхитининг ҳолати – олий таълим ҳаёт тарзининг ўта мұхим элементи. Педагогик жамоанинг инновациян ўзгаришларга «очиқлик» даражаси олий таълим ижтимоий-психологик мұхитининг ҳолатига қўп жиҳатдан боғлиқ. Тизим сифатидаги инновация жараённинг дастлабки босқичларида номуайянлик ва бекарорликка сабаб бўлади, шу боисдан жамоанинг айрим қисмида андозалар ва маданий мөъёрларнинг таъсирчанлигини сақлаб қолувчи ижтимоий инерция таъсирида бу шубҳа, салбий муносабат ёки тўғридан-тўғри қаршилик үйғотиши мумкин. Айни шу сабабли ижтимоий-психологик мұхитининг алоҳида ҳолати – инновацион мұхитни ташкилий жиҳатдан таъминлаш талаб этилади. «Инновацион мұхит – бу муайян йўл билан яратилган вазият бўлиб, унда инсон ўзини эркин, тўлиқ мотивлаштирилган, ижодий ишга тайёр хис килади»[1].

Ўз-ўзидан равшанки, «инновация олий таълим муассасаларида ўқитувчилар ва талабалар фаолиятининг алоҳида ташкил этилиши, хусусан унинг ўз ишини теран асосларигача мунтазам равишда қайта кўриш билан боғлиқлиги ўта мұхим педагогик омил ҳисобланади»[2]. Мазкур омил инновациянинг жамоа субъекти сифатидаги олий таълим, яъни инновацион олий таълим тизимининг асосий моддий белгиларидан биридир. Бунда инновацион олий таълим тизими, бизнинг назаримизда, мономаданиятли бўлиши, яъни бутун жамоа методологик асослар ва дунёқарашга доир мўлжаллар бирлиги билан

# 2023: International Conference on Multidimensional Research and Innovative Technological Analyses (SPAIN)

<https://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA>

бирлаштирилиши, шу билан бир вақтда, у полимаданиятли бўлиши, яъни олий таълим тизимининг таълим маконида таълим тизимининг турли хил моделлари амал қилиши ва бирбири билан мулоқотга киришиши мумкин. «Инновационликни таълим муассасасининг типи ва тури билан тўғридан-тўғри боғлаш ўринли бўлмайди»[3], деган фикрга ҳам, хеч шубҳасиз, қўшилиш лозим. Биз буни алоҳида қайд этишни истар эдик, чунки лицейлар, гимназиялар ўз мавжудлик фактига қўра инновацион таълим муассасалари ҳисобланади, деган фикр назарияда ҳам, педагогик воқеликда ҳам анча кенг тарқалган[4]. Бизнингча, бу нотўғри фикр. Инновацион олий таълимни бошқа турдаги олий таълимлардан ажратиш имкониятини берувчи белги инновацион ҳаёт тарзининг шаклланганлиги ҳисобланади. Унинг таркибий элементларига қуйидагиларни киритиши мумкин: профессионал-педагогик маданиятнинг хоссаси сифатидаги инновационликни, инновацион фаолиятни, инновацион мухитни ва ўзига хос ҳаёт тарзи билан ажралиб турувчи инновацион жамоанинг мавжудлигини.

Инновацион ҳаёт тарзининг мазмуни шу билан белгиланадики, у «муттасил изланишлар олиб бориш, доимий ривожланиш учун «лойиҳалаштирилган», изланишларнинг натижаларини эмас, балки янгиликни яратиш жараёнининг ўзини доимий равишда қўлдан-қўлга ўтказиш учун мўлжалланган олий таълим муассасалари»ни[5] тавсифлайди.

Сўнгги йилларда таълимдаги инновациялар соҳасида мавжуд назарий «бўшлиқ» аста-секин тўлиб бормоқда. Бу жуда муҳимдир, чунки олий таълим муассасалари таълим тизимида шу жумладан инновацион муносабатлар ва жараёнлар нуқтаи назаридан ҳам марказий ўринни эгаллайди. Олий таълим муассасарининг таълим тизимидағи улкан аҳамияти вазиятли омиллар билан ҳам, моҳиятга тегишли омиллар билан ҳам белгиланади.

Олий таълим инновациянинг жамоа субъекти бўлиши мумкинлиги, энг аввало, шу билан белгиланадики, чекланган таълим маконида чексиз дунё образини сақлаш имкониятини берувчи жонли таълим жараёни фақат олий таълимда амалга оширилиши мумкин. У таълим тизимининг таълим жараёни атрофида юзага келувчи муносабатлар мажмuinи мумкин қадар камайтирадиган, лекин ўзида тўлиқ мужассамлаштирадиган бирдан-бир субъект «бирлиги» ҳисобланади. Бинобарин, олий таълим сифатида таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ижтимоий механизмларини моделлаштириши ва синовдан ўтказиши, бўлғуси жамият тузилишининг прогностик моделларини яратиши мумкин. Нихоят, олий таълим – бу таълим жараёни субъектларининг эмас, балки одамларнинг конкрет ўзаро алоқасидир.

Бунда инновацион фаолият субъекти саналган олий таълимнинг ҳаёт тарзи ўзининг энг муҳим белгисига қўра олий таълимнинг ижтимоий организм сифатидаги яхлитлигини сақлаши лозим. Бундай белги сифатида субъект шахснинг инновацион типи бўлган ҳолдаги каби тизимлилик амал қиласи. Аммо инновация субъекти сифатидаги шахс учун тизимлиликнинг мутаносиблиги, яъни уларнинг оптимал ўзаро алоқаси, одатда, педагогик тизимнинг бир ёки бир нечта элементлари билан мувофиқ келади ва бошқа тизимларда мақбул ўзгариш ясади, яъни муайян педагогик тизим доираси билан чегараланади. Инновация субъекти олий таълим бўлган ҳолда инновацион ўзгаришнинг тизимлилиги педагогик тизим билан мутаносиб бўлади ва таълим тизими асосларига чиқиш учун

# 2023: International Conference on Multidimensional Research and Innovative Technological Analyses (SPAIN)

---

<https://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA>

имконият яратади, таълим тизимининг даражаларидан бирида унинг учун муҳим саналган инновацион оқибатларга олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, таълим маданиятининг артефакти саналган инновацион олий таълим тегишли таълим тизимида ижтимоий-маданий ўзгаришлар ясади ва ўзгараётган ижтимоий-маърифий вазиятга тизимли мослашишга мажбур қиласди. Инновация субъекти сифатида шахс амал қилган ҳолда бу натижага доим ҳам эришилавермайди.

Хозирги кунда таълим тизимларини инновацион ривожланишнинг ижтимоий механизми ёрдамида самарали бошқариш имкониятларини ўрганувчи бошқарув моделлари вужудга келмоқда[6]. Уларнинг айримларида олий таълим муассасаларни уларда амалга оширилаётган инновацион фаолиятнинг кўлами ва сифати ҳамда турли типдаги олий таълим муассасалари ўртасида мумкин қадар самарали ўзаро алоқанинг ташкил этилиши нуқтаи назаридан таснифлаш вазифаси бошқарув вазифаси сифатида илгари суримоқда ва ечилмоқда[7]. Кўриб турганимиздек, бу ерда типларга ажратиш мезони ўзгариади, лўнда қилиб айтганда, у инновацион фаолият етакчи типининг асосига кўра (лойиҳалаш ёки тадқиқот) эмас, балки олий таълим инновацион етуклик даражасининг интеграл кўрсаткичи сифатидаги ижтимоий-маърифий қимматига кўра амалга оширилади.

Таклиф қилинаётган кўп даражали модель уч даражани ва инновацион олий таълимнинг уларга мувофиқ келувчи уч типини ўз ичига олади. Булар:

- лаборатория-олий таълим муассасалари – истиқболи порлоқ, прогностик жиҳатдан муҳим ғояларни айниқса чуқур ишлаб чиқиши амалга оширадилар; таълимнинг янги моделларини яратиш ва синовдан ўтказишнинг ўзига хос «инновацион полигонлари» ҳисобланадилар; илмий изланишларга қараб мўлжал олувчи тўлақонли жамоалар сифатида тавсифланадилар; узлуксиз инновацион педагогик таълим тизимининг интеллектуал ва информацион марказлари ҳисобланадилар;
- инновацион-лойиҳавий олий таълим муассасалари – аниқ белгиланган, конкрет мақсадга қаратилган таълим лойиҳасини амалга оширадилар; олий таълим доирасида лойиҳанинг айрим вазифаларини ечишга қаратилган мустақил инновацион изланиш олиб борилади; жамоа инновацион «ўзак»нинг мавжудлиги билан тавсифланади, лекин ўз фаолият йўналишини аниқ белгиламаган педагоглар улуши анча катта бўлиши мумкин;
- локал-инновацион олий таълимлар – ўзларини яхлит инновацион организмлар сифатида ташкил этишга тайёр эмаслар; инновационлик айрим янги тартиб-қоидаларни жорий этиш даражасида намоён бўлади; инновацион фаолият айрим ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

Бу ерда олий таълим муассасаси жамоасининг етуклик даражасини инновацион фаолият субъекти сифатида кўрсатишга уриниш ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси таклиф қилинаётган типологияни тадқиқотимизнинг концептуал ёндашуви асослари билан яқинлаштириш имкониятини беради.

# 2023: International Conference on Multidimensional Research and Innovative Technological Analyses (SPAIN)

<https://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA>

Шундай қилиб, «инновацион ҳаёт тарзи» деган умумий тушунча инновацион фаолият субъекти саналган олий таълим тизимининг барча ўзига хос белгиларини ўзида изчил мужассамлаштиради. Моҳият эътибори билан у тизимли ижтимоий организм сифатидаги олий таълим тизимининг яхлитлигини ўзида ифодалайди. У ўзаро таъсирга киришувчи ва бир-бирини мазмунан тўлдирувчи қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- профессионал-педагогик маданиятнинг инновациялар барқарор ривожланишини таъминлайдиган изланув-ижодий асосни белгиловчи хоссаси сифатидаги инновационликни;
- олий таълим тизими таълим муҳитининг барча элементлари ривожланиши ижтимоий механизмининг моҳиятини белгиловчи метафаолият сифатидаги инновацион фаолиятни;
- инновацион имкониятларни мумкин қадар самарали рӯёбга чиқариш имкониятини берувчи инновацион муҳитни;
- онгнинг инновацион мўлжалларини ҳаёт фаолиятини ташкил этишнинг ижтимоий-маданий меъёри сифатида сақлаш учун кифоя қиласидиган инновацион типдаги шахслар мажмуи сифатидаги инновацион жамоани.

Инновацион ҳаёт тарзи бутунлай ўзгача профессионал-педагогик маданиятни шакллантиришга эҳтиёж уйғотади ва бунинг учун замин яратади. Мазкур маданият манбаи ва бунёдкори сифатида ўқитувчи амал қиласи. Бу ерда у ўзининг янги сийратида, яъни техник ва бажарувчи (мураккаб тизимларнинг юқори малакали оператори) сифатида эмас, балки эркин профессионал ва жамоат арбоби, янги педагогик билимни яратувчи ва расмийлаштирувчи тадқиқотчи ва лойиҳачи сифатида намоён бўлади. Инновацион ҳаёт тарзи белгиланган хусусиятларининг етуклик даражасига ва уларни рӯёбга чиқаришнинг самарадорлигига кўра инновацион олий таълимнинг тегишли типологиясини тузиш мумкин.

Инновацион олий таълим тизими ўзининг инновация коллектив субъекти сифатидаги мазмун ва моҳиятини сақлаб қолиши ва тегишли таълим тизими ривожланишининг харакатлантирувчи кучи ҳисобланиши учун унинг ўзига рефлексив кўзгу ва илҳомбахш интеллектуал муҳит зарур. Профессионал-педагогик ҳамжамият айни шундай муҳит сифатида амал қиласи. Мазкур ҳамжамият доирасида олий таълимлар ўз лойиҳаларини илгари суриш ва муҳокама қилиш орқали ўз тузилишига мувофиқ бўлган қадриятлар ва методологик принципларга мувофиқ яратилган ташкилий-таълим макони шароитларида ўз ҳолатига берилган баҳони объективлаштириш, кейинги ривожланиш йўлларини белгилаш, ўз инновацион салоҳиятини оптималлаштириш имкониятига эга бўлади. Инновацион олий таълим тизимларининг ижтимоий-педагогик, сўнгра инновацион таълим ҳаракати тарзидаги коллектив ҳамкорлиги таълим воқелигининг ҳақиқий ҳолатига нисбатан илдамроқ назарий ва амалий ҳаракатланиш учун имконият яратади[8]. Бу эса, ўз навбатида, ташкилий расмийлаштирилган профессионал-педагогик ҳамжамиятга (масалан, Инновацион олий таълим тизимлари ва марказлар уюшмасига) таълим стратегиясини ва давлатнинг таълимга оид сиёсатини белгилашга таъсир кўрсатувчи инновация коллектив субъекти функцияларини бажариш имкониятини беради. Айни шу тариқа, «қўйи» даражанинг кенг ташабbusi ва

# 2023: International Conference on Multidimensional Research and Innovative Technological Analyses (SPAIN)

---

<https://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA>

«юқори» даражанинг бошқарув имкониятларини бирлаштириш орқали инновацион ҳаракат «....таълим ислоҳотининг асосий субъекти, ислоҳотни амалга оширувчи ижтимоий қатлам, ислоҳот амалга ошириладиган маънавий муҳит»[9] сифатида амал қиласди.

Инновация субъекти сифатидаги уюшган профессионал-педагогик ҳамжамиятнинг функциялари таркибини муҳокама қилишга шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бошқа даражадаги субъектлар (шахс ва колектив субъект сифатидаги олий таълим)ни такрорламайдиган, балки айнан ҳамжамиятнинг субъект сифатидаги хусусиятини акс эттирадиган функциялари мажмууни ажратиш талаб этилади. Бунда ҳамжамиятнинг ривожланишига қараб ситуатив ўзлаштирилган функцияларни табиий берилган хусусиятларни ифодаловчи функциялардан фарқлаш зарур.

Бу ҳолда, биринчи асосга кўра, педагогик тизимлар ва таълим тизимларини ҳамда уларнинг айрим элементлари (методикалари, ўқув фанлари ва ҳ.к.)ни предмет ва мазмун жиҳатидан ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ бўлган барча вазифалар бошқа даражадаги субъектларнинг функциялари ҳисобланади. Аммо инновацияларнинг ижтимоий-маданий идентификацияси, уларнинг предмет ва мазмун жиҳатидан экспертизаси, ҳеч шубҳасиз, профессионал-педагогик ҳамжамият даражасига чиқади. Профессионал-педагогик ҳамжамият интеллектуал салоҳиятни жамлайди, ўзаро алоқаларнинг мазмун жиҳатидан ягона майдонини яратади ва инновацион тажрибанинг турли даражаларини нисбатлаш учун имконият яратади. Янги таълим маданиятини шакллантириш, фан ва амалиёт ўзаро алоқаларининг янги шаклларини маромига етказиш, инновацияларнинг ижтимоий диффузияси муҳитини яратиш функциялари шундан келиб чиқади.

Иккинчи асосга келсак, бу ерда гап алоҳида олий таълимлар пайдо бўлиши билан боғлиқ айрим ижтимоий мутациялар ҳақида боради. Лўнда қилиб айтганда, бу элитар олий таълимлар муаммосидир. Аммо бу муаммо инновацион олий таълимнинг пайдо бўлиши оқибати сифатида юзага келмайди. У барча даврларда мавжуд бўлган ва ўзининг турли хил ечимини топган. Элитарлик тушунчаси ўзининг кенг тарқалган маъносига олий таълимнинг инновационлик даражаси билан эмас, балки таълим жараёнининг ижтимоий-профессионал йўналтирилганлиги, юксакроқ даражада қулайликлар яратилгани ва ўқишини давом эттириш имкониятининг кафолатланганлик даражаси билан боғланади. Айни шу сабабли бу ерда пешқадамликни бугунги кунда гимназиялар ва лицейлар ҳамда «олий таълим – олий ўқув юрти» мажмууда ишлайдиган олий таълимлар қўлдан бермай келмоқдалар.

Шундай қилиб, инновацион ўзаро алоқалар майдонида «инновация субъекти сифатидаги шахс – педагогик тизим», «инновациянинг колектив субъекти сифатидаги олий таълим – таълим тизими», «инновация субъекти сифатидаги профессионал-педагогик ҳамжамият – таълим тизими» оптимал алоқалари ўрнатилади.

1. Арлет Енс Х. Инновация и творчество // Проблемы теории и практики управления. 1991.
2. Фрумин И. Демократизация школы как основное направление ее обновления // Инновационное движение в образовании. – М., 1997.
3. Каспржак А. Новые и инновационные школы: проблемы сегодняшнего дня, перспективы развития // Инновационное движение в Российском школьном образовании. – М., 1997.
4. Хоронько Л.Я. Новые модели учреждений образования в вариативном образовательном пространстве: Автореф. дисс. ...канд. соц. наук. – Ростов-на-Дону, 1996.
5. Тубельский А. Экспертиза инновационной школы // Инновационное движение в школьном образовании. – М., 1997
6. Нововведения в муниципальном управлении образованием / Под ред. Малахова Н.Д. – М., 1997; Потапов Е.А.Организационно-педагогическое обеспечение стратегии развития образования в регионе крупного города... // Образование: традиции и инновации в условиях социальных перемен. – М., 1997 ва бошқалар.
7. Или инновации или игра в инновации // Управление школой. 1997.
8. Днепров Э.Д. Образовательная реформа между “вчера” и “завтра”. – М.: 1996